

Сигир ва таналарнинг пуштсизлиги, яъни уларнинг насл бериш қобилиятининг вақтинча ёки бутунлай бузилиши, чорвачиликнинг асосий муаммоларидан биридир. Моллар туққандан кейин узоқ вақт куйга келмасдан юради. Баъзилари қайта-қайта куйга келиб, пуштсизлик даврини узайтиради.

Пуштсизлиكنи асосан 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

юқумли специфик (бруцеллёз, кампилобактериоз, туберкулёз, лептоспироз, инфекцион вагинит, трихомоноз ва бошқалар) ва носпецифик касалликлар, туққандан кейинги ёки ушланиб қолган йўлдошларни қўл билан олиб ташланганда, қочириш пайтида жинсий аъзоларнинг шартли-патоген микроблар билан зарарланиши;

туғма ёки орттирилган юқумсиз касалликлар, жинсий органлардаги инфантилизм, қариллик атрофисси, склероз ва бошқа нерв-эндокрин бузилишлари физиологик жиҳатдан ривожланмасдан қолиши. Бу гуруҳга модда алмашинуvidан келиб чиқадиган юқумсиз касалликларни ҳам киритиш мумкин; озиқлантиришдаги чалкашликлар (бузилишлар), зоогигиена қоидаларининг бузилиши, чорва моллари қочирилишининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши; кўп йиллик текширишларга қараганда, озиқлантиришда йўл қўйилган чалкашликлар туфайли (35-45%); қочиришларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш (12,7-15,4%); молларни асрашда зоогигиеник қоидаларнинг бузилиши (12,5-17,8%) ва акушер-гинекологик касалликлар (3,5-17,8%) оқибатида пуштсизлик келиб чиқади.

Молларни нотўғри озиқлантириш, парваришlash, қочириш ва профилактика қоидаларига риоя қилмаслик туфайли урғочи моллар узоқ вақт (5-6 ой ва ундан ҳам кўпроқ) қисир қолиб кетади.

Ҳайвонларнинг рационларида энг керакли витаминлар (А, Д, Е), минерал (фосфор, темир, рух, мис, кобальт, йод) моддалар етишмайди, чунки уларнинг алоҳида ўз ўрни ва аҳамияти бор.

А витамини етишмаса, урғочи молларнинг жинсий аъзоларида (қин, бачадон бўйни, бачадон ва бошқ.), шиллиқ пардаларида метапластик гиперкератоз, яъни уларнинг дағалланиши, шиллиқ пардаларнинг инфекцияларга чалиниши, тухумдонларнинг атрофияси, оталаниш даражаси-

нинг кескин пасайиши, жинсий циклларида ва ҳомила ривожланишининг бузилиши, эмбрионларнинг ўлиши ёки бола ташлаш, нимжон бузоқ туғилиши, йўлдошнинг ушланиб қолиши ва ҳоказоларга олиб келади.

Д витамини (коальциферол) етишмаса, ёш молларда рахит касаллигига, ёши катта молларда эса декальцинация, яъни остеопороз, остеомалация ва бошқаларга олиб келади. Охир оқибатда жинсий цикл фаоли-

ушланиб қолади, сут маҳсулдорлиги пасаяди.

1 кг қуруқ озуқада 5-10 мг мис бўлиши керак.

РУХ (цинк) молларнинг ўсиши ва жинсий аъзоларига ижобий таъсир этади.

Карбоангидраза ферменти организмни углеазлардан тозалайди: Агар рух моддаси етишмаса, овуляция (тухумдондан тухум ҳужайраларининг чиқиши) вақти кечикади, оталаниш даражаси пасаяди, бола туғиш камаяди. 1 кг қуруқ озуқада 30-60 мг рух моддаси бўлиши керак.

Кобальт – гидролитик ферментлар фаолиятини активлаштиради, нуклеин кислота ва мушак оксилларининг синтезланиши ошади.

Кобальт моддаси етишмаса, молларнинг иштаҳаси бузилади ва улар ҳар хил нарсаларни тинмасдан ялайди (лизуха), ҳайвонлар ўсмай қолиб, ориқлайди,

маҳсулдорлиги кескин пасаяди, ичи қотади, анемия (камқонлик) пайдо бўлади. Бола ташлаш ва нимжон бузоқларнинг туғилиши кўпаяди, туққандан кейин тез куйга келмайди.

Бир кг қуруқ озуқасида 0,1 мг кобальт моддаси бўлиши керак.

Йод – танқислиги туфайли тироксин гормони синтезланиши пасайиб, модда алмашинуvi бузилади. Молларнинг маҳсулдорлиги камаяди, насл бериш қобилияти бузилиб, бола ташлаш ёки нимжон ва ўлик бузоқлар туғилади. Йўлдош ушланиб қолиши, қочирилгандан кейин тез-тез қайталаниши кузатилади. Моллар куйга келиб қочирилса ҳам оталанмайди, чунки тухумдонда ривожланган фолликулалар ёрилмайди, тухум ичида ўлиб қолади.

Шу пайтда рационларга йод моддаси қўшилса, молларнинг эндокрин безларининг фаолияти нормаллашиб, насл бериши тикланади. Бир кг қуруқ озуқасида 0,3-0,6 мг йод моддаси бўлиши керак.

Юқорида келтирилган моддаларнинг биронтаси камайиб ёки бутунлай йўқолиб кетса, ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги, табиий чидамлилиги кескин пасаяди, турли касалликларга чалинади ва охир оқибатда нобуд бўлиши мумкин.

**Б.МУРТАЗИН,
О.КҮЛДАШЕВ,
Х.САЛОҲИДДИНОВА,
(ЎЗБИТИ)**

СИМПТОМАТИК ПУШТСИЗЛИК

*Симптоматик
пуштсизлик –
молларнинг жинсий ва
бошқа аъзоларининг
касаллигидан пайдо
бўладиган асоратдир.*



тининг бузилишига, яъни молларнинг куйга келишига салбий таъсир этади ва оталаниш даражаси пасаяди.

Е витамин (токоферол) бўлмаса, гипофизда гонотропинларнинг ҳажми камаяди ва оқибатда тухумдонларнинг гипофункцияси, эмбрион ва ҳомидаларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Фосфор моддаси етишмаганида молларнинг иштаҳаси бузилади, сут маҳсулдорлиги кескин камаяди, сутдаги ёғ миқдорини пасайишидан мастит ва эндометрит касалликларига дучор бўлади, туққандан кейин шол бўлади, атоксия ва шол касаллиги, кифоз ёки лордос, нерв асоратлари ва анафразиялар кузатилади. Қочирилгандан кейин эса бачадондан кўп қон оқади (метрорагияларга). 10-15 литр сут берадиган бир сигирга (300-400 к. тирок вазни) кунига 40-50 г фосфор ва 6-75 г кальций моддаси керак.

Марганец етишмаса, молларнинг куйга келиши номаълум ўтади, қочиргандан кейин эса кўп марта қайтадан куйга келиб, оталаниш даражаси пасаяди, тез-тез бола ташлаш, туғилган бузоқларнинг вазни паст бўлиши, урғочи бузоқларга нисбатан эркак бузоқчалар кўпроқ туғилиши кузатилади.

Мис моддаси бўлмаса сигир ва таналар куйга келмайди (анафредизия, анаэструс, субэструс), қочирилган моллар эса кўп марта қайталанади. Ҳомидалар яхши ривожланмайди ва бола ташлашлар кузатилади, туққандан кейин молларнинг йўлдошлари